

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДИЕВА МАРЗИЯ ОТЕЛЛАЕВНА

**ПРЕМЕНОПАУЗА ДАВРИДАГИ АЁЛЛАРДА ОСТЕОПОРОЗ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдиева Марзия Отеллаевна

Пременопауза давридаги аёлларда остеопороз
шаклланишининг замонавий жиҳатлари ва унинг профилактикаси..... 3

Абдиева Марзия Отеллаевна

Современные аспекты формирования остеопороза
у женщин в пременопаузальном периоде и его профилактика..... 29

Abdieva Marziya Otellaevna

Modern aspects of the formation of osteoporosis
in women in the premenopausal period and its prevention..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДИЕВА МАРЗИЯ ОТЕЛЛАЕВНА

**ПРЕМЕНОПАУЗА ДАВРИДАГИ АЁЛЛАРДА ОСТЕОПОРОЗ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib537 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akusherstvo.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Саиджалилова Дилноза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» май кuni соат 14⁰⁰ даги йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мирзо-Улугбек кўчаси, 132а-уй. Тел/факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50. e-mail: info@uzaig.uz; www.akusherstvo.uz.

Диссертация (PhD) билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақам билан руйхатга олинган). Манзил: 100124, Ташкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мирзо-Улугбек кўчаси, 132а-уй. Тел/факс: (371) 263-47-50, (371) 263-84-83, e-mail: info@uzaig.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «8» май да таркатилди.
2021 йил « » - сонли жўнатма баённомаси.



Д.А. Алиева
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.М. Файзырахманова
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари номзоди

Ф.М. Аюпова
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда 200 млн. аёл остеопороз билан хасталанган, уларнинг улуши ёш ортиши билан ошиб боради. Остеопороз Халқаро Фонди башоратига кўра, 2050 йилга келиб, сон суяги бўйинчаси синиши эркактар орасида 310%, аёллар орасида – 240% га ошиши кутилмоқда....¹. Ҳар йили дунёда катта ёшли инсонлар ёш гуруҳларида 1,5 миллиондан кўпроқ синишлар кузатилади. Ҳозирги кунда остеопороз ва аёл саломатлиги дунёнинг етакчи илмий марказлари доимий эътиборида бўлиб, муҳим умумтиббий ва ижтимоий муаммо сифатида кўрилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан остеопорозни (ОП) Ер аҳолиси саломатлигини белгиловчи етакчи сурункали касалликлардан бири сифатида кўрилади ва у юрак-қон томир ва онкологик патологиядан ҳамда диабетдан кейин тўртинчи ўринда туриши билан муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда перименопауза давридаги аёлларда остеопороз шаклланишини асослашда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада пременопауза давридаги аёлларда остеопения ва остеопороз частотасини аниқлаш, клиник-анамнестик маълумотлар бўйича уларнинг ривожланишида хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш, суяк тўқимаси метаболизми генлари (COL1A1, VDR), эстроген рецепторлари (ER α) гени аллелари частотасини асослаш ҳамда ушбу генлар полиморфизми ассоциациясининг таҳлилинини ўтказиш, остеопорозни прогнозлашда эстроген рецептори гени полиморфизми (прогностик қиймати) аҳамияти ва суяк ремоделланишини денситометрия кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқликда аниқлаш асосида пременопауза давридаги аёлларда хавф гуруҳини аниқлаш учун прогнозлаш шкаласини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аёллар орасида остеопороз асоратларидан келиб чиқадиган ногиронликни камайтириш мақсадида пременопауза давридаги аёлларда остеопорозни эрта ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий усуллардан фойдаланиш, профилактика чора-тадбирлари бўйича ишлар олиб борилиб, муайян илмий натижага эришилмоқда. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Бу борада пременопауза давридаги остеопороз касаллигини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни

¹Evio S., Tiitinen A., Laitinen K. et al. Effects of Alendronate and Hormone Replacement Therapy, Alone and in Combination, on Bone Mass and Markers of Bone Turnover in Elderly Women with Osteoporosis // J. Clin. Endocrinol. Metab. - 2014. - Vol. 89, №2. - P. 626-631

² Ўзбекистон Республикаси Президент Фармони №ПФ-5590 «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 7 декабрь 2018 йил.

қўллашни такомиллаштириш орқали оғир асоратларни олдини олиш натижасида аёлларда ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтиртириш каби йўналишларда тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда осеопороз долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Муаллифлар гуруҳи томонидан қатор тадқиқотлар ўтказилган (Рустамова У.М., Абзалова Г.Р. ва бошқ., 2015), улар климактерик ёшдаги аёлларда суяклар минерализацияси ўзгариши даражаси ва тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашган. Уларнинг тадқиқот натижалари кўрсатишича, 50-60 ёшдаги ўзбек миллатига мансуб аёлларда тизза бўғими остеоартрози кўпинча суяк тўқима минерал зичлиги (СТМЗ) пасайиши билан бирга кечади. СТМЗ билан менопауза ёшидаги аёлларда вазни ўзаро боғлиқлиги тадқиқотини ўтказган (Дьячкова Г.В., Рустамова У.М., Дьячков К.А., 2016). Бу ишларнинг натижалари менопауза ёшидаги ўзбек популяциясидаги остеоартроз ва осеопороз бўлган аёлларда ортикча тана вазни борлигини кўрсатди: меъёрий тана вазни – 19,2%, ортикча тана вазни – 20%, 1 даражадаги семизлик – 50%, 2 даражадаги семизлик – 6,9%, 3 даражадаги семизлик 2,3%, вазн етишмовчилиги 1,5% беморда кузатилган. Постменопауза даврида аёлларда осеопороз ривожланишида эстроген рецептори гени ER α , VDR ва LST ген полиморфизми роли аниқланган (Азизова Г.Ж., Алиева Д.А. 2019).

Пременопауза давридаги аёлларда осеопороз ва осеопоретик синишлар эпидемиологияси бўйича махсус режаланган илмий изланишлар олиб борилмаган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти маълумотларига кўра, мамлакатда осеопороз билан 30 мингдан ва осеопения билан 150 мингдан кам бўлмаган киши мавжуд.

Шу билан бирга осеопороз ривожланиши мумкин бўлган пременопауза давридаги аёллар орасида хавф гуруҳини аниқлаш бўйича услубий ёндашувлар етарли даражада ривожланмаган бўлиб қолмоқда ва амалда

асосан ушбу ёшдаги аёлларнинг аксариятида профилактика чораларини кўришга мажбур бўлган шифокорларни чалғитадиган клиник ва анамнестик маълумотларни мунтазам таҳлил қилиш билан чекланган.

Пременопауза давридаги аёлларда ташхисот ва прогнозлаш маркери сифатида ESRa ген полиморфизми ва СТМЗ нинг, уларнинг функционал ўзаро боғлиқлигида аҳамияти амалий ўрганилмаган бўлиб қолмоқда ва ушбу йўналишда мақсадга мувофиқ тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №01.1800231ИТИ «Она, ҳомила, янги туғилган ва ёш болалар касалликларини аниқлаш ва даволашда инновацион ёндашувлар» мавзусидаги илмий-ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади остеопорозда хавф омилларини, эстроген рецептори ва суяк ремоделланиши генларни полиморфизминини аниқлаш асосида пременопауза давридаги аёлларда остеопороз профилактикаси усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пременопауза давридаги аёлларда остеопения ва остеопороз частотасини ўрганиш, клиник-анамнестик маълумотлар асосида уларнинг ривожланиш хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш;

пременопауза даврида остеопеник синдроми бор аёлларда суяк тўқимаси метаболизми генлари (COLIA1, VDR) ва эстроген рецепторлар гени (ERa) аллеллари частотасини баҳолаш ва улар полиморфизми ассоциацияси таҳлилинини ўтказиш;

остеопорозни прогнозлашда эстроген рецептори гени ва суяк ремоделланиши гени полиморфизми аҳамияти (прогностик қиймати) ни денситометрия кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқликда аниқлаш асосида баҳолаш;

пременопауза даврида аёлларда остеопороз ривожланиш хавф гуруҳини аниқлаш мақсадида прогнозлаш шкаласини ишлаб чиқиш ва прогностик аҳамиятини аниқлаш;

пременопауза давридаги аёлларда остеопороз профилактикаси усулини ишлаб чиқиш ва клиник самарадорлигини баҳолаш;

остеопороз хавф омилларини ва эстроген рецептори гени, суяк ремоделланиши генларини полиморфизминини аниқлаш асосида пременопауза давридаги аёлларда остеопороз профилактикаси усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳридаги 9-сонли акушерлик комплекси поликлиника бўлими ва «NAJOD-SHIFO» кўп тармоқли клиникасида турли гинекологик касалликлар билан амбулатор даво олган 1500 нафар 40-50 ёш орасидаги аёллар маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети занжирли молекуляр-генетик ва биокимёвий текширувлар учун беморлар қон зардобини ҳамда ультратовуш денситометрия орали суяк тўқимасининг зичлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-анамнестик, ультратовушли денситометрия, биокимёвий-иммунохемилюминесцент таҳлили, занжирли молекуляр-генетик ва статистик таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор остеопорознинг ирсий шаклида VDR генининг rs2228570 (ff) гомозиготали мутациясини 39,3% доминант ҳолда учраши ва бу ОП ривожланиш хавфини 6 мартага ошириши, COL1A1 гомозиготали T/T генотипини ташувчилик ОП ривожланиш хавфини 5.5 мартага ошириши, эстроген рецепторининг G/A rs2228480 генотипини ташувчилик эса ОП ривожланиш хавфини 2.9 мартага ошириши аниқланган;

бир вақтнинг ўзида COL1A1 ва VDR генининг мутант аллелларини ташувчилик ОП ривожланиш хавфини 5 мартага, ER α ва COL1A1 мутант генларини ташувчилик эса ОП ривожланиш хавфини 9.5 мартага ошириши аниқланиб, ушбу генлар мутациясининг комбинацияси қонда кальций камайиши билан кечувчи остеосинтез жараёнининг бузилишига ва сийдикда ДПНД ошиши билан кечувчи остеорезорбция ошишига олиб келиши исботланган;

илк бор пременопауза давридаги аёлларда гипоэстрогениндуцирланган остеопороз ривожланишида rs2228480 эстроген рецептор гени полиморфизми аниқланиб, унинг СТМЗни пасайтириши исботланган.

генетик омиллар ва клиник-анамнестик хавф омилларини эътиборга олган ҳолда пременопауза давридаги аёлларда остеопорозни прогноزلаш, эрта ташхислаш ва профилактика шкаласи такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

илк бор клиник олди босқичда остеопорознинг ривожланиш эҳтимолидан далолат берувчи прогностик мезонлар намойиш этилган ва уларнинг прогностик меъзонлари яратилган;

COL1A1, VDR ва ER α генлари аллеллари патерни ва генотипларига боғлиқ равишда СТМЗ даражаси аниқланган;

илк бор пременопауза давридаги аёлларда суяк ремоделланиши генлари полиморфизми ва эстроген рецепторлар полиморфизми, СТМЗ кўрсаткичларини аниқлаш асосида остеопороз профилактикаси усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, танланган материалнинг етарлили миқдордалиги, тадқиқотда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, денситометрик, молекуляр-генетик, биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида суяк ремоделланиши ва эстроген рецепторлари генлари полиморфизми, СТМЗ кўрсаткичларини аниқлаш асосида пременопауза давридаги аёлларда

остеопороз профилактикаси усуллари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, пременопауза даврида остеопороз ривожланишига мойил аёлларни аниқлаш учун COLIA1, VDR ва ER α генлари полиморфизмини аниқлаш, ҳамда остеопороз индивидуал бирламчи профилактикаси бўйича кейинчалик комплекс дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, шунингдек суяк ремоделланиш генлари ва эстроген рецепторлари генлари полиморфизмини, хавф омилларини, СТМЗ кўрсаткичларини ҳамда хайз функцияси гормонал тавсифи асосида пременопауза давридаги аёлларда остеопения ва остеопороз ривожланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар пременопауза давридаги аёлларда ген-кандидатларга боғлиқ остеопороз ривожланиши хавфи даражасини аниқлаш, ушбу генлар полиморфизми таҳлилининг постменопауза даврида аёлларда оғир остеопороз ривожланишида ва СТМЗни тез йўқотилиши хавфини баҳолаш учун ҳамда гормонал терапия қўллашда иккиламчи остеопороз ривожланиши хавфини баҳолаш учун прогностик тест сифатида тавсия қилиниб, пременопауза давридаги аёлларда динамик кузатув назорат баённомаси асослари ишлаб чиқилган ва улар оилавий поликлиникалар, гинекология ва травматология бўлимларида қўлланилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Пременопауза давридаги аёлларда остеопороз шаклланишининг замонавий жиҳатларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пременопауза давридаги аёлларда гипоэстроген индуцирланган остеопороз ривожланишида СТМЗ, генетик омиллар ва клиник-анамнестик хавф омилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган остеопорознинг прогнозлаш шкаласини тарғиботи бўйича «Способ дифференцированной терапии остеопенического синдрома у женщин пременопаузального возраста» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 октябрдаги 8н-р/417-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши пременопауза давридаги аёлларда остеопороз хавф омилларини прогнозлашга имкон берган;

пременопауза давридаги аёлларда остеопороз шаклланишининг замонавий жиҳатларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика перинатал маркази ва Тошкент шаҳри 9-сон туғруқ комплекси гинекология ва консультатив поликлиника бўлимларига ва хусусий клиникаларнинг гинекология бўлимларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-д/262-сон маълумотномаси). Пременопауза даврида аёлларда остеопорозни прогнозлаш ва даволаш янги усулларида фойдаланган ҳолда жорий қилиш натижалари касаллик частотасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Перименопауза давридаги аёлларда остеопороз ва унинг шаклланиш механизмлари ҳақида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида перименопауза давридаги аёлларда остеопороз патогенетик жиҳатлари ҳақида ахборот келтирилган. Ҳамда хавф гуруҳига кирган аёлларда остеопороз ривожланишида суяк ремоделланиши генлари ва эстроген рецепторлари генлари полиморфизми роли ҳақида маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари тўлиқ баён қилинган. Остеопеник синдроми эпидемиологияси, этиологияси, комплекс ташхисоти ва даволаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пременопауза давридаги аёлларда остеопорозни ўрганиш материал ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув материаллари умумий тавсифи келтирилган, текширув усуллари тўлиқ ёритилган.

ТТА (ректор – профессор Шодмонов А.К.) 1-сонли акушерлик ва гинекология кафедрасида (каф. мудир т.ф.д., профессор Аюпова Ф. М.) тадқиқот Тошкент шаҳридаги 9-сонли акушерлик комплекси базасида (бош врач – Бекжанов У.У.) ва СП ООО «NAJOD-SHIFO» (директор, т.ф.н. - Амина Абдурашид) кўп тармоқли хусусий клиникаси ва Гематология ва қон қуйиш ИТИ молекуляр-генетик лабораторияси (лаборатория мудир – т.ф.д. Бобоев А.Т.) да амалга оширилган.

Текширув бир неча босқичда ўтказилади (1-расм).



1-расм. Тадқиқот дизайни.

Пременопауза даврида аёлларда остеопороз частотаси, структураси ва хавф омилларини аниқлаш мақсадида биринчи босқичда ушбу даврдаги 1500

аёлда тадқиқот ўтказилган. Биз олдимизга қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун 2015-2019 йил даврида Тошкент шаҳридаги 9-сонли акушерлик комплекси поликлиника бўлими ва «NAJOD-SHIFO» кўп тармоқли хусусий клиникасида турли гинекологик касалликлар билан амбулатор даво олган 1500 беморларнинг амбулатор касаллик тарихи тасодифий танлаш усули билан таҳлил қилинган. Барча беморлар остеопороз мезонлари мавжудлиги ва йўқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинган, уни ёш соғлом аёлда суяк массаси чўкки миқдорини суяк тўқимаси минерал зичлиги (СТМЗ) ўртачадан стандарт оғиш (SD) катталиги билан аниқланадиган Т-мезонларидаги ультратовушли денситометрия натижалари бўйича тасдиқланган. Ўлчовларни уч асосий нуқталарда (бел умуртқалари, сон проксимал қисми, елка дистал бўлими) амалга оширилган.

СТМЗ га боғлиқ улар қуйидаги гуруҳларга тақсимланган:

1 гуруҳ (n=523) – остеопороз билан аёллар (СТМЗ= -2,5 дан юқори);

2 гуруҳ (n=856) – остеопения билан аёллар (СТМЗ=-1-2,5);

Назорат гуруҳини СТМЗ нормал кўрсаткичлари (-1,0 дан паст бўлмаган) билан пременопауза давридаги аёллар (n=121) ташкил этган.

Тадқиқот иккинчи босқичида остеопения ва остеопороз билан аёллар (асосий гуруҳ) ҳамда ушбу ёш давридаги ушбу патологиясиз СТМЗ меъёрий кўрсаткичлари билан аёллар (назорат гуруҳи) бевосита кузатув ва текширувга олинган.

Учинчи босқичда олинган натижалар асосида биз пременопауза давридаги аёлларда остеопороз профилактикаси усулини ишлаб чиқдик. Ишлаб чиқилган усул самарадорлигини баҳолаш мақсадида остеопения билан 68 аёлни текширдик, улар олиб боришига қараб 2 гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳни пременопауза давридаги остеопения билан (n=47) аёллар ташкил этди, уларни алгоритмга мос равишда юритилди. Таққослаш гуруҳини плацебо олган остеопения билан аёллар (n=21) ташкил қилди.

Барча аёллар 40 дан 50 ёшгача бўлган. Уларнинг ўртача ёши $46,9 \pm 2,1$ йилни ташкил қилган.

Текширилган остеопеник синдроми бор аёллар гуруҳлари орасида ошқозон-ичак тизими, ЮҚТ, ревматик ва аутоиммунр касалликлари бир хил фоизи эътиборни ўзига тортади. Барча текширилган аёлларнинг учдан бири кўпинча шамоллаш касалликлари (ЎРК, ангина, бронхитлар, зотилжам) билан оғриган (1 жадвал).

Клиник текширув усуллари бемор шикоятлари билан бирга касаллик тарихини йиғиш, ҳайз ва репродуктив функция, ҳомиладорлик ва туғруқ якунини ўрганиш, соматик ва гинекологик анамнез маълумотлари, ўтказган инфекция-яллиғланиш касалликларини ўз ичига олган. Алоҳида ҳолатларда махсус кўрсатмалар билан беморлар турли соҳа мутахассислари томонидан маслаҳат олган. Гинекологик кўрик, терапевт, травматолог маслаҳати амалга оширилди. Ўтказган касалликлари бўйича статистик текшириш усуллари бўйича баҳо берилди. Лаборатор текшириш усуллари мажмуаси – қон, сийдик умумий таҳлили ва сийдикда дезоксиридинолин миқдори, қон биохимияси (остеокалцин, калций миқдори) ва коагулограммани ўз ичига олди. Таҳлил

маълумотлари қон кўрсаткичлари ҳолати бўйича динамик кузатув мақсадида, клиник-лаборатор таъхисот мезонларини аниқлаш учун қайтарилди.

1-жадвал

Таққосланаётган гуруҳларда соматик патология частотаси ва характери (M±m)

Соматик патология	Остеопорозли гуруҳ (n=523)		Остеопенияли гуруҳ (n=856)		Назорат гуруҳ (n=121)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
ЮҚТК касалликлари	182	34,8±2,1***	314	36,7±1,6***	13	10,74±2,8
ТТА	213	40,7±2,2**	371	43,3±1,7***	31	25,6±4,0
Ошқозон ичак касалликлари	238	45,5±2,2***	381	44,5±1,7***	24	19,8±3,6
Сийдик-таносил касалликлари	132	25,2±1,9	224	26,2±1,5*	22	18,2±3,5
Тез-тез ўРК	252	48,2±2,2***	367	42,9±1,7***	23	19,0±3,6
Ревматик касалликлар	98	18,7±1,7***	141	16,5±1,3***	6	5,0±2,0
Аутоиммун касалликлар	46	8,8±1,2***	68	7,9±0,92***	1	0,83±0,83
Қалқонсимон без касалликлари	128	24,5±1,9**	220	25,7±1,5**	15	12,4±3,0
Семизлик	74	14,1±1,5**	114	13,3±1,2**	7	5,8±2,1
ТВИ≥20	232	44,4±2,2***	305	35,6±1,6***	17	14,0±3,2
Қандли диабет	59	11,3±1,4***	76	8,9±1,0***	2	1,7±1,2

Изох: *- назорат гуруҳга нисбатан фарқлар ишончилиги (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001).

Махсус инструментал тадқиқот усуллари: кичик чанок, қорин бўшлиғи аъзолари ультратовуш текшируви, денситометрия ва компьютер томографияси (кўрсатмалар бўйича) ҳам қўлланилди.

Ультратовуш таъхисоти (УТТ) икки стандарт услублар билан тўлдирилган қовуқ орқали 6,5 МГц билан трансвагинал датчик ва 3,5 ва 5 МГц конвекс датчикли Aloka 1400 аппаратида трансвагинал ва трансабдоминал сканирлаш амалга оширилди.

Биокимёвий текширувлар периферик қонда кальций ва остеокальцин миқдорини аниқлаш билан ўтказилган. Юқоридаги кўрсаткичларни аниқлаш учун қон зардоби бир марталик микропробиркаларга тақсимланди, - 20°С ҳароратда сақланган.

Кальций ва остеокальцин концентрацияси «NAJOD-SHIFO» (лаборатория мудири - Ниязова Р.А.) хусусий клиника ходимлари томонидан ўтказилган.

Суяк тўқимаси шаклланиши – остеосинтез (остеокалцин) ва резорбцияси (дезоксипиридинолин) биокимёвий маркерлари баҳоси ўтказилган.

Молекуляр-генетик босқичда Гематология ва қон қуйиш ИТИ молекуляр-генетик тадқиқотлар лабораториясида т.ф.д. К.Т.Бобоев раҳбарлиги остида 170 аёлнинг ДНК текширилган, улардан 140 аёл остеопоретик синдром билан ва шу ёшдаги 30 соғлом аёл СТМЗ меъёрий кўрсаткичлари билан (назорат гуруҳи).

Реактивлар, ферментлар, биопрепаратлар, жиҳозлар. Тадқиқотда қуйидаги реактив, ферментлардан фойдаланилган: акриламид, бис-акриламид, ЭДТА, 5% глицерин эритмаси, К протеиназа («Sigma» фирмаси, АҚШ), ТЕМЕД, натрий додецилсульфат, трис HCL («Serva» фирмаси, ФРГ), 2-меркаптоэтанол («Ferah» фирмаси, ФРГ), дидезоксинуклеотид-трифосфат, тритон X100, магний хлорид, натрий хлорид, аммоний сульфат, аммоний персульфат, рестрикция ферментлари: BstU1 («Сибэнзим»), термостабил ДНК-полимераза *Thermus aquaticus* (НПО «Биотекс»), амплификация учун асбоб («Applied Biosystems» фирмаси, АҚШ), олигонуклеотид праймерлар (НПО «Сибэнзим», Новосибирск).

ДНК молекуласини ажратиш баъзи модификациялар билан стандарт услуб бўйича ўтказилган. Полиморф локус амплификациясини ПЗР ёрдамида «Applied Biosystems» фирмасининг термоциклерида (АҚШ) амалга оширилган.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel – 2013 дастурий пакети ёрдамида Pentium–IV компьютерида ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %)ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (P)ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилик даражаси $P < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди. Сифатли катталиклар учун статистик аҳамият χ^2 мезон (хи-квадрат) бўйича ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Пременопауза давридаги аёлларда остеопороз хавф омиллари ва прогнозлаш**» деб номланган учинчи бобида пременопауза давридаги аёлларда остеопеник синдром тузилиши ва частотаси таҳлили келтирилган.

Пременопауза давридаги Тошкент шаҳар 9-акушерлик комплекси поликлиника бўлими ва «NAJOD-SHIFO» кўп тармоқли хусусий клиникасида 2015-2019 йил давомида турли гинекологик касалликлар билан амбулатор даво олган 1500 аёлларнинг суяк тўқимаси минерал зичлиги турлича пасайиши стабил юқори даражасини кўрсатди ($n=1379$; 69,2%).

ЖССТ тавсияларига мос равишда Т-мезон қиймати $-2,5$ SD дан кам бўлиши остеопороз мавжудлиги белгиси деб қаралди. Суяк тўқимаси минерал зичлиги аниқланган аёллар (1379) орасида остеопороз частотаси 34,9%

(n=523)ни ташкил этган. Шу билан бирга остеопения частотаси 57,1% (n=856). СТМЗ га боғлиқ улар куйидаги гуруҳларга бўлинган:

1 гуруҳ (n=523) – остеопороз билан аёллар (СТМЗ= -2,5 дан кам);

2 гуруҳ (n=856) – остеопения билан аёллар (СТМЗ =-1-2,5);

Назорат гуруҳини пременопауза давридаги аёллар (n=121) СТМЗ меъёрий кўрсаткичлари билан (-1,0 дан кам эмас). Суюк тўқимаси ҳолати пременопауза давридаги 1500 аёлда скелетида ўқ бўйича (умуртқа поғонаси бел қисми ва чап сон проксимал қисми) ва периферик (чап елка) скелетда аниқланган. Олинган маълумотларни остеоденситометр референс базаси билан таққосласа бўлади (2-жадвал).

СТМЗ билан биз текширган бемор аёл Z- мезон оғишларини шу ёш, бўй, вазнли СТМЗ билан баҳолаганда -1,0 SD дан ошмайди. Z-мезон энг катта оғиши умуртқа поғонаси бел қисмида аниқланган. Биринчи бел умуртқасида СТМЗ маълумотлар базаси кўрсаткичидан $92,5 \pm 1,8\%$ (-0,60+0,14 SD) ни ташкил қилади. Скелет бошқа қисмларида Z-мезон бўйича ўхшашлик кузатилади.

Сон проксимал қисмида бу кўрсаткич стандартга энг мос келади ва 100% атрофида тебранади. Умуман олганда скелетнинг ушбу жойлашишида Z-мезон референс база ўртача статистик кўрсаткичидан 1,7% га кам (-0,14+0,09 SD). Елка дистал қисмида Z кўрсаткичи энг юқори қийматлари аниқланган, улар 101,5+1,4 дан 105,7+1,6 гачани ташкил қилади. Шундай қилиб, биз текширган Тошкент шаҳар аёл аҳолисида пременопаузада остеоденситометр маълумотлари базасидаги СТМЗ тенгдошлариникидан умуртқа поғонаси бел қисмида анча пастроқ, елка дистал қисмида – бирмунча юқори, сон проксимал қисмида амалий мос.

T-мезон оғишлари ҳам L1-L4: L1 да 1,44+0,1 SD дан L4-1,94+0,13 SD гача максимал кўринган. Пременопауза давридаги аёлларда ушбу локализацияда СТМЗ камайиши умуман олганда суюк массаси «чўққи» сига нисбатан 17,7% (-1,73+0,12 SD) да содир бўлган. Сон проксимал қисмида худди шу тенденция кузатилади, аммо умуртқа поғонасига нисбатан камроқ даражада. Умуман олганда ушбу локализацияда текширилган гуруҳда суюк массаси «чўққи» сидан 10,5% (-0,84+0,09 SD) га СТМЗ камайиши кузатилади. T-мезонни елка дистал қисмида камайиши камроқ намоён бўлган.

T-мезон бўйича СТМЗ ни солиштирганда пременопаузада аёлларда остеопороз ва остеопенияда скелетнинг барча локализацияларида суюк массаси ишончли камайиши аниқланган. Шундай қилиб, T-мезон L1-L4 да остеопенияли аёлларда худди шу зонада T-мезон қийматидан 60% га кам. L1-L4 зонасида СТМЗ остеопенияли гуруҳ маълумотларидан 9,4% га кам, сон проксимал қисмида ва елка дистал қисмида – 5% га. II бел умуртқаси бўйича СТМЗ ишончли фарқлари олинган ($p < 0,05$).

Скелет сублокализациялари бўйича гуруҳда СТМЗ ўртача кўрсаткичлари таҳлили T-мезон кўрсатмаларига ўхшашликни намоёниш қилди.

Пременопауза даврида остеопеник синдром билан аёлларда скелет турли локализациясида СТМЗ ўртача қийматлари

Скелет қисмлари		Остеопорози бор аёллар (n=523)		
		СТМЗ, г/см ²	T-мезон, SD	Z-мезон, %
Умуртқа поғонаси бел қисми	L1	0,774±0,048	-1,44±0,081***	92,5±3,1
	L2	0,865±0,063	-1,57±0,087***	92,9±3,2
	L3	0,895±0,067	-1,75±0,092***	91,5±2,8
	L4	0,904±0,072	-1,94±0,13***	89,9±2,7
	L1-L4	0,867±0,064	-1,73±0,12***	95,8±3,2
Оёқ дистал қисми	Умумий	0,883±0,069	-0,84±0,061***	98,3±3,3
Елка дистал қисми	Дистал	0,640±0,046	-0,76±0,042	101,5±3,4
	Субдистал	0,553±0,035	-0,65±0,033	103,3±3,2*
	Ультрадистал	0,399±0,023	-0,26±0,018	105,7±3,3*
	Умуман	0,535±0,031	-0,58±0,031	103,5±3,4*
Скелет қисмлари		Остеопенияси бор аёллар (n=856)		
		СТМЗ, г/см ²	T, SD	Z, %
Умуртқа поғонаси бел қисми	L1	0,883±0,065	-0,39±0,023	98,6±3,3
	L2	0,976±0,072	-0,48±0,027	98,3±3,2
	L3	1,004±0,075	-0,72±0,036	96,2±2,8
	L4	1,007±0,078	-0,92±0,048	93,5±3,0
	L1-L4	0,973±0,071	-0,69±0,034	96,3±3,1
Оёқ дистал қисми	Умумий	0,924±0,063	-0,44±0,022	98,5±3,3
Елка дистал қисми	Дистал	0,640±0,047	-0,76±0,038	93,6±3,1
	Субдистал	0,553±0,036	-0,65±0,031	94,2±3,4
	Ультрадистал	0,399±0,024	-0,26±0,015	96,7±3,4
	Умуман	0,535±0,032	-0,58±0,031	94,8±3,2

Изох: * - остеопенияли гуруҳга нисбатан фарқлар ишончлилиги (*-P<0,05; ***- P<0,001)

Гинекологик касалликлар ичида энг кўп эндометрийдга гиперпластик жараёнлар (23,4%), эндометриоз (17,9%), бачадон миомаси (12,6%) қайд этилган. Келтирилган маълумотлардан кўринишича, ОП билан беморларда назорат гуруҳига нисбатан 2,9 марта ишончли кўп гиперпластик жараёнлар,

яъни ОП этиологиясида салмоқли аҳамиятга эга гипоэстроген терапия (22,5%) роль ўйнаган. Айтиш жоиз-ки, ОП билан аёлларда 15% анамнезида бепуштлик ва унинг узоқ давоси мавжуд (3 жадвал).

Остеопеник синдроми бор аёлларда паритети ўрганилганда хомиладорлик ва тугрук сони кам бўлганлиги аниқланди, бу эса эрта тухумдонлар етишмовчилигига олиб келиши ва ОП ривожланиши билан боғлиқ. Репродуктив функцияни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, I тугрук остеопеник синдроми бор аёллар гуруҳида 1,7 баровар юқори бўлган. V ва ундан куп тугрук остеопеник синдроми бор аёлларда 38,8% ни ташкил қилган ва назорат гуруҳида кузатилмаган.

Умуман олганда ушбу локализацияда остеопороз билан аёлларда СТМЗ «чўққи» қийматидан атиги 5,2% (-0,58±0,12 SD) га кам. Шундай қилиб, клиник-анамнестик маълумотларнинг таҳлили ОП-синдромли барча аёллар жиддий гинекологик, наслий мойилликка, соматик патология юқори частотаси ва у билан боғлиқ асоратлар эга бўлганидан далолат беради, шу билан бирга назорат гуруҳидаги беморларда менопауза учун фон анча қулай бўлган.

3-жадвал

Текширилган аёлларда гинекологик касалликлар

Касалликлар	Асосий гуруҳ (n=1379)		Назорат (n=121)	
	абс.	%	абс.	%
Миома ва эндометриоз фонид а эндометрийд а гиперпластик жараёнлар	323	23,4±1,1**	14	11,6±2,9
БАҚК	412	29,9±1,2***	16	13,2±3,1
Бачадон миомаси	174	12,6±0,89**	6	5,0±2,0
Эндометриоз	247	17,9±1,0**	10	8,3±2,5
Эндометрит	148	10,7±0,83	15	12,4±3,0
Сальпингофорит	139	10,1±0,81*	21	17,4±3,5
Бачадон бўйинчаси патологияси	161	11,7±0,87	19	15,7±3,3
Тухумдонлар кистаси	113	8,2±0,74*	18	14,9±3,3
Анамнезда бепуштлик	207	15,0±1,0***	3	2,5±1,4
Биргаликдаги касалликлар	365	26,5±1,2***	5	4,1±1,8

Изох: *- назорат гуруҳга нисбатан фарқлар ишончилиги (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001).

Пременопауза даврида хавф омиллари ва остеопороз ривожланиши орасида сабаб-оқибат боғлиқлигини аниқлаш учун биз бу беморларда ОП юзага келиши имкон (OR) ва хавф (RR) ини ҳисобладик. Кодлаш маълумотлари ҳамда Фишер мезони бўйича 40 омилнинг прогностик қийматини баҳолаш натижасида 25 танланган омилнинг статистик таҳлили 4-жадвалда келтирилган.

Остеопороз ривожланиши хавф прогностик коэффициентлари (ПК)

Прогностик омиллар	Назорат гуруҳи (n=121), %	ОП билан аёллар (n=1379) %	F	OR	RR	ПК
I. Соматик патология						
Меъда-ичак касалликлари	19,8	44,9	17,3	3,3	2,3	1,52
Юрак-қон томир касалликлари	10,74	35,9	14,5	4,6	3,3	1,63
Семизлик	5,9	13,6	3,4	2,6	2,3	0,95
Қандли диабет	1,65	9,8	9,6	6,5	5,8	1,86
Қалқонсимон без касалликлари	12,4	25,2	7,8	2,4	2,1	0,88
Ревматик касалликлар	4,9	17,3	11,6	4,02	3,4	1,62
Аутоиммун касалликлар	0,83	8,3	8,9	10,9	10,3	2,6
Анамнезда синишлар	4,1	8,6	9,7	2,2	2,1	1,54
II. Терапия						
Антацидлар	11,5	24,9	3,4	2,5	2,1	0,98
Диуретиклар	6,6	15,6	5,8	2,6	2,3	1,24
Глюкокортикостероидлар	2,5	11,6	9,2	5,2	4,8	1,79
Антиэстроген терапия	11,6	22,5	8,8	2,2	1,9	1,01
III. Гинекологик патология						
Эндометрияда гиперпластик жараёнлар	11,6	23,4	5,7	2,3	1,9	0,94
Эндометриоз	8,3	17,9	10,1	2,4	2,3	1,13
Бачадон миомаси	4,9	12,6	7,2	2,8	2,6	1,15
Бепуштлиқ	2,5	15,01	8,5	6,7	6,0	2,5
III. Ҳайз функцияси						
Кеч менархе	4,9	15,9	25,3	3,6	3,2	1,51
Эрта менопауза	7,4	17,5	6,2	2,6	2,4	1,45
Эрта менархе	9,9	19,6	5,9	2,2	2,0	1,21
IV. Репродуктив функция						
I туғруқ	0,8	8,3	10,6	10,9	10,4	2,6
IV ва кўп туғруқ	11,6	28,9	15,8	3,1	2,4	0,95
V. Наслий мойиллик	3,3	12,6	20,5	4,2	4,3	3,56
VI. Ҳаёт тарзи ва овқатланиш						
Кам ҳаракатлик	24,8	48,6	7,9	2,9	2,0	1,03
Сут маҳсулотининг кам истеъмоли	9,9	21,8	10,9	2,6	2,2	1,12
VII. Касб тури						
Тикувчи	4,96	13,7	5,6	3,1	2,8	1,25
Омиллар комбинацияси	2,5	40,5	21,6	14,1	13,6	4,12

Ревматик касалликлар (кўпинча ревматик артрит) билан аёлларда ОП ривожланиш имкони бу патологиясиз аёлларга нисбатан 4,02 марта юқори бўлган. Бунда ривожланиш нисбий хавфи мос равишда 3,4 марта юқори бўлган. Бу касалликлар ОП ривожланишида билвосита роль ўйнайди, чунки касалликнинг ўзи эмас, балки ревматоид артритни глюкокортикоидлар билан даволаш (OR=5,2; RR=4,8) СТМЗ камайишига олиб келади.

ТҚЮ (OR=10,9; RR=10,3), қандли диабет (OR=6,5; RR=5,8), ЮҚТТ касалликлари (OR=4,7; RR=3,3), меъда-ичак тизими касалликлари (гастрит, энтероколит) (OR=3,3; RR=2,3) га эга аёлларда OR ва RR юқори қийматлари кузатилган. Ушбу патологияларда мос терапиядан фойдаланишда СТМЗ нинг камайиши механизмини тавсия қилдик. ОП ни прогнозлашда анамнезида аввалги синишлар бўлиши муҳим роль ўйнаган (OR=2,2; RR=2,1).

Гинекологик касалликлар орасида ОП ривожланиши хавф омиллари миома ва эндометриоз фонида ривожланган гиперпластик жараёнлар (OR=2,3; RR=1,9) бўлган. Эндометриоз билан аёлларда ОП ривожланиши имкони ва нисбий хавфи бу патологияси бўлмаган аёлларга нисбатан 2,4 ва 2,3 марта юқори, бачадон миомаси билан 2,8 ва 2,6 марта юқори бўлган. Айтиш жоизки, бу патологияларда эстрогенлар ошиши кузатилади, ва у СТМЗ пасайишига таъсир кўрсата олмаган. Анамнезни синчковлик билан йиғиш аёлларнинг бу контингенти узоқ муддат (6 ойдан 3 йилгача) антиэстроген терапия (визанна, эсмия, ГнРГ агонистлари ва антогонистлари) қўллаганини кўрсатди. Эҳтимол узоқ муддат давоимда антиэстроген терапия қўлланиши бу аёлларда СТМЗ камайиши сабаби бўлгандир. Демак, антиэстроген терапия қўллаган аёлларда ОП ривожланиши имкони ва нисбий хавфи ушбу терапияни олмаган аёлларга нисбатан 2,2 ва 1,9 марта юқори.

Шуниси эътиборга лойиқки, ОП ривожланиши имкони ва хавфи энг юқори кўрсаткичлари анамнезида битта туғруқ (OR=10,9; RR=10,4), бепуштлиқ (OR=6,7; RR=6,0), IV ва кўп туғруқ (OR=3,1; RR=2,4) бўлган аёлларда кузатилган. Барча юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар гормонал бузилишлар билан боғлиқ, аниқроғи узоқ гипоестроген давр билан. Ҳайз функцияси бузилишлари ичида муҳими кеч менархе (OR=3,6; RR=3,2) ва эрта менопауза (OR=2,6; RR=2,4) бўлган, улар ҳам бевосита эстрогенлар паст даражаси билан боғлиқ.

Пременопауза давридаги аёлларда СТМЗ ҳолатига кам ҳаракат ҳаёт тарзи (OR=2,9; RR=2,0) ва сут маҳсулотларини кам истеъмоли (OR=2,6; RR=2,2) салмоқли таъсир қилган.

ОП ривожланишида юқорида айтилганидек, онаси томонидан ёки сингилларида анамнезида синишлар бўйича наслий мойиллик муҳим роль ўйнайди.

Наслий мойиллиги бўлган аёлларда ОП ривожланиши имкони ва нисбий хавфи муваффақиятли ирсийликка эга аёлларга нисбатан 4,2 ва 4,3 марта юқори.

Прогностик кўрсаткичлар ва хавф омиллари бўйича энг катта гуруҳни биргаликдаги патология билан аёллар (36,8%) ташкил қилди, унда бир вақтнинг ўзида наслий мойиллик, меҳнат шароити, соматик патология ва

гинекологик касалликлар каби омиллар бўлиши мумкин. Шундай қилиб, биргаликдаги патологияси бор аёлларда ОП ривожланиш имкони бир нозологияли аёлларга нисбатан 14 марта юқори бўлган.

Шундай қилиб, биз сурункали соматик патология, бачадонда гиперпластик жараёнлар, ҳайз функцияси бузилиши ҳамда бу касалликларда даволаш ўтказиш, анамнезида I туғруқ, бепуштлик ҳамда синишларга наслий мойиллик бўлган аёлларда ОП ривожланиш имкони анча ошишини аниқладик.


Диссертациянинг «**Пременопауза давридаги аёлларда остеопороз ривожланишининг генетик жиҳатлари**» деб номланган тўртинчи бобида пременопауза даврида остеопеник синдром билан аёлларда суяк тўқимаси метаболизми генлари (COL1A1, VDR) аллеллари ва эстроген рецепторлари (ERα) гени частотаси таҳлили келтирилган.

Суяк массаси камайиши ОП ривожланиши энг муҳим хавф омилларидан бўлиб, юқорида таъкидланганидек ирсий табиатга эга бўлиши мумкин. Тадқиқотчиларда тўпланган маълумотларга кўра, СТМЗ билан ассоцирланган ген бузилишларининг турфалиги мавжуд. Бу эса ушбу кўрсаткичнинг полиген насл суришидан дарак беради. Шунинг учун СТМЗ билан корреляцияланадиган генетик маркерлар бир томондан келажакдаги синишларни олдини олишда, бошқа томондан эса остеопорозда суяк массасининг йўқотилиши дифференцирланган профилактикасини ишлаб чиқиш учун фойдаланилиши мумкин.

Биз томондан таклиф қилинган ОП ривожланишида генетик мойилликнинг аҳамияти ҳақидаги гипотезани якуний тасдиқлаш учун биз 40-50 ёшдаги 170 нафар аёлда ДНК таҳлилини амалга оширдик. СТМЗ га боғлиқ беморлар 2 гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳни остеопеник синдром билан 140 аёл ва назорат гуруҳини СТМЗ меъёрий кўрсаткичлари билан 30 нафар аёл ташкил этган. Ўз навбатида асосий гуруҳ 2 кичик гуруҳларга бўлинган: А кичик гуруҳга остеопороз билан 57 (40,7%) аёл ва Б кичик гуруҳга остеопения билан 83 (59,3%) аёл кирган.

Биз текширган аёлларда (n=170) генетик мутациялар пременопауза давридаги аёлларда 120 (70,6%), СТМЗ меъёрий қийматлари билан 8 (4,7%), остеопеник синдром билан – 112 (65,9%) нафар аёлда учраган. Остеопеник синдромни келтириб чиқарувчи маркерлар тузилиши ўрганилганда (2-расм) витамин Д (VDR) рецептор гени rs2228570 энг тез учровчи полиморф вариант бўлган, улар ОП билан 44 (39,3%) аёлда учраган. Улардан гетерозигот генотип Ff ташувчилари бўлиб, ОП билан 33,03% аёл, шу билан бирга VDR ген гомозигот мутацияси ОП билан 6,3% аёлда кузатилган.

ОП билан аёллар умумий популяциясида тарқалиш частотаси бўйича иккинчи шакли 1 тип коллаген 1 альфа занжири гени (COL1A1) (rs1800012) полиморфизми бўлиб, 37 (33,1%) да ташхисланган, улардан 4 (3,6%) – гомозигот ва 33 (29,5%) – гетерозигот шакл. Назорат гуруҳида 2 (6,7%) аёлда гетерозигот шакл қайд қилинган.



2-расм. Остеопеник синдромни келтириб чиқарувчи маркерлар (%).

Эстроген рецептори гени альфа (ESR1) rs2228480 мутацияси Осиё популяцияси учун кам учрайди ва ОП билан хасталанган атиги 9 (8,04%) аёлда аниқланган, улар гомозигот AA генотипга эга бўлган. Эстроген рецептори альфа мутант гени назорат гуруҳи аёлларида аниқланмаган. Шу билан бирга гетерозигот G/A тип остеопеник синдром билан 22 (19,6%) аёлда ва назорат гуруҳидаги 5 (16,7%) аёлда кузатилган.

Витамин D (VDR) рецептори 2228570 F/f гени полиморфизми ассоциацияси таҳлили остеопеник синдром билан аёллар орасида таҳлилда кўрсатишича, ҳар икки гуруҳда F/F (нормал) аллель устунлиги бўлган, шу билан бирга СТМЗ нормал кўрсаткичлари билан аёлларда мутант f аллель (гомозигот - f/f) учрамаган.

5-жадвал

Остеопеник синдромда витамин D (VDR) ген рецептори (rs2228570) F/f полиморфизмини аллеллар частотаси ва генотипларни тарқалиши.

Гуруҳлар	Беморлар сони	Аллелар частотаси		Генотиплар тарқалиши частотаси					
		F	f	F/F		F/f		f/f	
		%	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Асосий гуруҳ, улардан:	112	93,8	39,3*	68	60,7*	37	33,03*	7	6,3
а) остеопения	67	95,5*	40,3*	40	59,8*	24	35,8*	3	4,5
б) остеопороз	45	91,1	37,8*	28	62,2*	13	28,9*	4	8,9
Назорат гуруҳи	30	100	3,3	29	96,7#	1	3,3	-	-

